

**Пахта хом ашёси ва уруғлик пахтани етказиб бериш ҳамда  
харид қилиш бўйича фьючерс шартнома  
—сон**

«\_\_\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2022 йил

Бир томондан \_\_\_\_\_ номидан низом (устав) асосида иш юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_ ФИШ (бундан буён—“Буюртмачи”) ва иккинчи томондан \_\_\_\_\_ фермер хўжалиги номидан устав асосида иш юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_ (бундан буён—“Хўжалик”) биргаликда “тарафлар” ушбу битимни қуидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. “Хўжалик” 2022 йил ҳосили учун \_\_\_\_\_ гектар ер майдондан \_\_\_\_\_ навли, \_\_\_\_\_ тонна пахта хом ашёсини “Буюртмачи”га етказиб бериши, “Буюртмачи” эса ушбу маҳсулотни қабул қилиб олиш ва шартноманинг 4.1.-бандига мувофиқ ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Селекцион нав номи	Репродукция	Уруғлик пахта хомашёси миқдори, (тонна)	Уруғлик пахта топширишнинг сўнгги муддатлари

1.2. “Хўжалик” 2022 йил ҳосилидан \_\_\_\_\_ гектар ер майдондан \_\_\_\_\_ селекцион навли, \_\_\_\_\_ репродукцияли, \_\_\_\_\_ тонна **пахта хом ашёсини** ҳамда \_\_\_\_\_ гектар ер майдондан, \_\_\_\_\_ селекцион навли, \_\_\_\_\_ репродукцияли, \_\_\_\_\_ тонна **уруглик пахтани** ҳосил йилининг 15 декабрь санаасигача етказиб бериш, “Буюртмачи” эса мазкур шартноманинг 4.1.-бандида белгиланган муддатларда ушбу маҳсулотларни ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. “Хўжалик” томонидан етиштирилган пахта хом ашёси ва уруғлик пахта учун “Буюртмачи” томонидан ушбу шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган тартибда ҳисоб китоблар амалга оширилади. Об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб, уруғлик пахтани етказиб беришда навлар бўйича миқдорий ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бунда, тарафлар оқилона муддатда ўзгартириш киритилиши тўғрисида бири-бирига хабарнома юборишлари лозим.

1.4. Пахта хом ашёсини ва уруғлик пахтани териб олишдан олдин “Буюртмачи” жалб қилинган мутахассислар томонидан пахта майдонлари ўрганиб чиқилиб, апробация қилинади ва шу асосида унга миқдорий ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.5. Пахта хом ашёсининг сифати O‘zR.ST-615:2008-пахта “Техникавий шартлар” талабларига ҳамда уруғлик пахта хом ашёси сифати O‘zR.ST-642:2013 талабларига жавоб берishi шарт.

1.6. “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилган худудда “Хўжалик” томонидан етиштириладиган пахта хом ашёси тўлиқ ҳажмда “Буюртмачи”га етказиб берилади.

**2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. “Хўжалик” қуидаги ҳуқуқларга эга:**

ушбу шартноманинг 2.4-бандига асосан уруғлик билан таъминлашни “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

мазкур шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужожатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

маҳсулотни топшириш, сифатини аниқлаш юзасидан “ПК-17” шаклини тўлдиришда қатнашиш;

маҳсулотлар “Хўжалик”нинг ҳисобидан ташилганда транспорт ҳаражатларини қоплашни белгиланган меъёрий тарифлар доирасида “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

“Буюртмачи” томонидан уруғлик материаллари ўз вақтида етказиб берилмаганда, шунингдек терим пуллари, бўнак (аванс) маблағлари ва якуний ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиш;

“Буюртмачи”дан тақдим этилган талабнома асосида йигим-терим мавсуми учун зарур миқдорда керакли материаллар \_\_\_\_\_ билан таъминлашни талаб қилиш;

пахта хом ашёсини етиштиришда маҳсулот қийматини ихтиёрий сұғурталаш;  
“Буюртмачи”дан йиғим-терим вактида терим пулини ўз вактида тұланишини талаб қилиш.

## 2.2. “Хўжалик” қўйидагиларга мажбур:

мазкур шартноманинг 2.4-банди, биринчи хатбошисида белгиланган миқдордаги уруғликни “Буюртмачи”дан қабул қилиб олиш;

ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган экиш учун талаб этиладиган уруғлик чигит учун нави, авлоди, миқдори ва муддати кўрсатилган буюртманома тақдим этиш;

“Хўжалик” 202\_\_ йилги пахта хосили етиштириш учун “Буюртмачи”га агротехник тадбирлардан келиб чиқкан ҳолда ҳаражатлар тури ва муддати бўйича молиялаштириш юзасидан агротехника тадбирлари бошланишидан аввал камида 15 кун олдин талабнома тақдим этади. Талабномада кўрсатилган пул маблағлари шартноманинг умумий қийматининг 60 %дан ошиб кетмаслиги лозим;

“Буюртмачи”дан қабул қилиб олинган селекцион навли уруғлик чигитни шартноманинг иловасидаги маълумотномада хақиқатда экилиши назарда тутилган контурлардаги ер майдонига тўлиқ экишни таъминлаш;

шартномада кўрсатилган пахта хом ашёсини “Буюртмачи”нинг \_\_\_\_\_  
қабул қилиш манзилига 2022 йил 15 декабрь санасигача етказиб бериш;

шартноманинг 1.2-бандларида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

топширилаётган маҳсулотнинг сифати ва нави стандартлар, техник шартлар ва мазкур шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос етказиб берилишини таъминлаш;

“Буюртмачи”дан олинган уруғлик, йиғим-терим мавсуми учун керакли материаллар ва бўнак (аванс) маблағларидан агротехнологик харитасига мувофиқ максадли фойдаланиш;

“Буюртмачи”дан агротехник тадбирлар учун олинган ёқилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғитлардан белгиланган меъёр асосида ҳамда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш;

шартномавий мажбурият бажарилмаган тақдирда “Буюртмачи”га етказилган заарни қоплаш;

агар “Хўжалик” мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, бу тўғрисида асослантирувчи ҳужжатлар билан олдиндан оқилона муддатда “Буюртмачи”ни ҳабардор қилиш;

пахта йиғим-терим ишларига теримчиларни жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳалқаро шартномалари, шу жумладан Халқаро Мехнат Ташкилотининг “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ти ва “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ти конвенциялари талбларига катъий риоя қилиш.

## 2.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

топширадиган маҳсулотнинг сифати ва нави стандартлар, техник шартлар ва мазкур шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос келишини “Хўжалик”дан талаб қилиш;

ушбу шартномада кўрсатилган маҳсулотни ўз вактида қабул қилиш жойига топширишни “Хўжалик”дан талаб қилиш;

“Хўжалик” томонидан пахта жойлаштирилган майдонларни тўғри кўрсатилганлигини назорат қилиш;

маҳсулот етказиб берилмаганлиги ёки сифатсиз маҳсулот етказиб берилганлиги учун етказилган заарларни қоплашни “Хўжалик”дан талаб қилиш;

тасдиқланган агротехнологик харитага мувофиқ тегишли чора-тадбирларни ўз вактида амалга оширилишини “Хўжалик”дан талаб қилиш.

## 2.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

“Хўжалик”ка экиш учун ушбу шартномада кўрсатилган уруғлигидан \_\_\_\_\_ нав \_\_\_\_\_ авлод  
\_\_\_\_\_ тоннани 20\_\_йилнинг “\_\_\_” гача ёки “Хўжалик” томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган муддатда ва миқдорда етказиб бериш;

“Хўжалик” томонидан шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ етказиб берилган уруғлик ва пахта хом ашёсини қабул қилиш ва уни ҳақини мазкур шартноманинг 4-бўлимидаги белгиланган тартибда тўлаш;

“Хўжалик” билан келишилган ҳолда йиғим-терим мавсумида терим пулларини ўз вактида тўланишини таъминлаш;

“Хўжалик”ни ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги тегишли давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

“Хўжалик” томонидан етказиб берилган маҳсулотга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатини маҳсулотни қабул қилганидан кейин 24 соат ичида расмийлаштириб бериш;

маҳсулот тайёрлов масканияга “Хўжалик”нинг транспорт воситасида ташилганда “Хўжалик”ка транспорт ҳақини ҳақиқий вазн бўйича тўлиқ масофа учун белгиланган меъёрий тарифлар доирасида ҳосил йилининг 31 декабрь санасига қадар тўлаш;

“Хўжалик” томонидан шартномада белгиланган режадан ортиқча топширилган I ва II сорт пахта хом ашёси учун шартноманинг 2.1.-бандининг олтинчи хатбоисида белгиланган тартибда қўшимча устамаларни тўлаб бериш;

пахта терими бошлангунга қадар “Хўжалик” томонидан берилган талабнома асосида “Хўжалик”ни зарур миқдордаги йифим-терим мавсуми учун керакли материаллар билан таъминлаш;

Шартноманинг 2.1.-бандининг иккинчи хатбоисига асосан берилган талабнома бўйича “Хўжалик”ни агротехник тадбирлар учун бўнак маблағлари, шу жумладан ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш;

шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда “Хўжалик”ка рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини тақдим этиш;

“Хўжалик”ка янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа зарур товарларни харид қилиш ва технологияларни жорий қилишда қўмаклашиш.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний хужжатлар тузилган сана “Хўжалик” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Якуний ҳисоб-китобларнинг тўлов хужжатидаги кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

3.3. Маҳсулот “Буюртмачи”нинг \_\_\_\_\_ манзилдаги тайёрлов масканига “Буюртмачи”нинг ёки “Хўжалик”нинг транспортида (кераклисини тагига чизиб қўйилади) етказиб берилади.

3.4. “Буюртмачи” томонидан “Хўжалик”ка экиш материаллари (уруглик) ушбу шартномада ҳамда буюртманомада кўрсатилган муддат ва миқдорда етказиб беради.

“Хўжалик” томонидан “Буюртмачи”га экиш материаллари (уруглик) туркумларини ҳамда етказиб бериш санасини ўзгартириш зарурати мавжуд бўлса, 10 кун олдин тарафлар учун мақбул бўлган алоқа воситалари (чопар, почта, электрон почта) орқали хабарнома юборилиши лозим.

#### Тарафларнинг расмий боғланиши учун алоқа воситалари тўғрисидаги маълумот:

Т/р	Буюртмачи	Хўжалик
1.	пошлина:	пошлина:
2.	тел.раками:	тел.раками:
3.	электрон манзил:	электрон манзил:
4.	бошқа восита:	бошқа восита:

### 4. МАҲСУЛОТ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. “Хўжалик” томонидан “Буюртмачи”га етказиб бериладиган пахта хом ашёсининг ўртача харид нархи 1 (бир) тоннаси учун \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил қиласди.  
/ракам сўзлар билан кўрсатилади/

Шартноманинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил қиласди.  
/ракам сўзлар билан кўрсатилади/

4.2. Йифим-терим мавсумида “Буюртмачи” “Хўжалик”ка топширилган пахта хом ашёси учун мутаносиб равища (қўл терими учун) терим пулларини белгиланган нархларда тўлаб боради.

4.3. Уруғлик пахта учун уруғликнинг унувчанлиги 90 % дан юқори бўлганда харид нархига қуйидаги миқдорда устама ҳақ тўланади.

Элита ва супер элита чигит учун 100 %,

1 - репродукцияли чигит учун (R1) 75 %,

2 - репродукцияли чигит учун (R2) 50 %,

3 - репродукцияли чигит учун (R3) 25 %

4.4. “Буюртмачи” томонидан “Хўжалик”нинг етказиб берилган пахта хом ашёси қийматининг якуний ҳисоб-китоблари терим учун ўтказилган пуллар ва бошқа ҳаражатлар чегирилганидан қолган қисми ҳосил йилининг 31 декабрь санасига қадар, уруғлик пахтанинг 1-босқичда топширилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи миқдорида уруғчилик хўжаликларига пахта хом ашёсини “Буюртмачи”га топширган вақтда тўловлар амалга оширилади.

(“Уруғлик пахта хом ашёси етишиши миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузилиш тартиби тўғрисида”ги низом 2007 йил 14 ноябрь, рўйхат раҳами 1738-сон).

4.5. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш ҳаражатлари “Буюртмачи” ҳисобидан ҳақиқий вазн бўйича ва бутун масофа учун ҳосил йилининг 31 декабрига қадар амалга оширилади.

4.6. Ушбу шартнома бўйича олинадиган уруғлик баҳоси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этиб, бўнак ҳисобига етказиб берилади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулотни мазкур шартномада белгиланган нав, сифат ва миқдорда ўрнатилган муддатларда қабул қилиниши рад этилишининг ҳар бир ҳолати учун “Буюртмачи” “Хўжалик”ка устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда амалда шаклланган ўртacha нархдан келиб чикиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган заарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

5.2. Шартномада белгиланган нав, сифат ва миқдорда маҳсулот топширишдан асоссиз бош тортганлиги учун “Хўжалик” “Буюртмачи”га топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима харид нархига белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда ўтган даврда (ой, йил чораги, йил) маҳсулотнинг амалда шаклланган ўртacha нархидан келиб чикиб ҳисобланади. Бундан ташқари, заарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

5.3. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ти Қонуннинг 35-модасига асосан, “Хўжалик” ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмларда маҳсулотнинг етказиб берилишини таъминлаш бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради. “Хўжалик”нинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур шартномада белгиланган мажбуриятлар бўйича “Хўжалик” бошлиги ўзига қарашли мол-мулк билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

5.4. Мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда бўнак (аванс) маблағларини, топширилган (юклаб жўнатилган) пахта хом ашёси ҳакини тўлашдан асоссиз бўйин товлаганлиги учун “Буюртмачи” “Хўжалик”ка белгиланган устамалар тўланиши инобатга олинмаган ҳолда асоссиз тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Жаримадан ташқари “Буюртмачи” “Хўжалик”ка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга ҳар бир товар-транспорт ҳужжати учун базавий ҳисоблаш миқдорида жарима тўлайди.

5.6. “Хўжалик”ни мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда стандарт ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган уруғлик билан таъминланмаганлиги учун “Буюртмачи” “Хўжалик”ка маҳсулот етказиб бериш пайтида амалда бўлган уруғлик, қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди.

5.7. “Буюртмачи” томонидан маҳсулот сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Буюртмачи” маҳсулот сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта тўлиқ ҳисоб-китоб қиласи ҳамда “Хўжалик” кўрган зарарни қоплаб беради.

5.8. “Хўжалик” томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Хўжалик”ка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сўмманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.9. Мазкур шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Хўжалик”ни жавобгарликка тортишда “Хўжалик” томонидан мазкур шартнома бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигига айбдор бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби билан мазкур шартноманинг “Хўжалик” томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган заар белгиланган тартибда ушбу ташкилотлар томонидан қопланади ёки суд орқали ундирилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Тарафлардан бири шартномани енгib бўлмайдиган куч ҳолат (форс-мажор)лари (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) сабабли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки “Буюртмачи”нинг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун “Хўжалик”ни жавобгарликдан озод қилиш бўйича хулоса беришлари мумкин.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда ёки туман (шахар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишида пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

7.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараЕ қилиш бўйича оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Мазкур шартнома З (уч) кун мобайнида “Буюртмачи” томонидан туман қишлоқ хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади ва шартноманинг барча нусхалари туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади.

8.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартнома шартлари бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда тарафлар мустакил равишида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда эса низоли ҳолатлар тарафлардан бирининг аризасига асосан суд томонидан ҳал қилинади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки тарафларнинг бирини талаби асосида суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиб тарафларнинг вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

10.3. Мазкур шартнома тарафларнинг ҳар бири ҳамда қишлоқ хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. “Буюртмачи” мазкур шартнома тўғри тузилиши ва рўйхатдан ўтказилишига масъул бўлиб, шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда шартномани аслини “Хўжалик”ка етказилиши мажбуриятини олади.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

(Фермер)

Манзил: \_\_\_\_\_ туман (шаҳри),  
кўчаси \_\_\_\_-уй.

**Банк реквизитлари:**

х/р: \_\_\_\_\_

ХККМ: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

(Кластер)

Манзил: \_\_\_\_\_ туман (шаҳри),  
кўчаси \_\_\_\_-уй.

**Банк реквизитлари:**

х/р: \_\_\_\_\_

ХККМ: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

ИНН: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

**Туман фермер, дехқон ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳуқуқий масалалар  
ва шартномавий муносабатлар гуруҳи бош мутахассиси**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

**20 \_\_\_\_ йил "\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ раками билан  
Туман қишлоқ хўжалиги бўлимида “Рўйхатдан ўтказилди”**

М.Ў. (имзо, лавозими, Ф.И.О.)

**Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)**

